

Танамиздаги мўъжизалар ҳақида биламизми?



09:00 / 06.01.2023 3168

Инсон жисмидаги мўъжизавий аъзолардан бири юрак бўлиб, у ишламаса ва фаолиятдан тўхтаса, инсон ҳалок бўлади. Инсоннинг юраги бир кунда 100 000 бора уради. Бир йилда ўртача ўттиз беш миллион марта, ўртача умри давомида эса икки ярим миллиард марта уради.

Ўртача ёшдаги инсоннинг бош терисида 100 000 соч толаси бўлади. Жигар инсон танасида 500 дан ортиқ функцияларни бажаради. Аммо унинг асосий вазифаси қонни тозалаш ва ёғларни парчалашда асосий рол ўйновчи сариқ суюқлик ишлаб чиқаришдир.

Ингичка ичак ошқозон тизимининг энг муҳим қисми бўлиб, овқатни парчалаш ва баданнинг турли қисмларига тарқатиш учун юбориладиган озуқа моддаларини чиқаради.

Қизилўнгачдан таом доимо ошқозонга йўналади. Агар инсон бошини пастга осилтириб туриб еб-ичса ҳам унинг ёрдамчи пайлари сабабли

тескари ҳаракатда ошқозон тарафга йўналаверади.

Тананинг энг мустаҳкам аъзоси тиш эмали ҳисобланади.

Буйраклар бир кунда организмдаги қонни 300 марта ювади.

Қизил қон ҳужайралари (эритроцитлар) суяк илигида шаклланиб, тўрт ой яшайди. Ушбу тўрт ойлик умри мобайнида тананинг барча 60 триллион ҳужайрасида озикланади. Шу сабабли инсон танасида қарийб 250 000 марта айланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

مِمْيُوقَتِ نَسْحَآي فَنَاسِنِإِلَآنِقَلَخَدَقَل

«Батаҳқиқ, Биз инсонни энг гўзал тузилишда яратдик» (Тийн сураси, 4-оят).

Аллоҳ таоло инсоннинг жасадини ҳам, ақлини ҳам, руҳини ҳам энг яхши ҳолатда яратгани ҳаммага маълум.

Мана бу оятда эса Аллоҳ таоло:

مُتْأُوتُمْ هَلْآلْمُهَلْآقَفِ تَوَمْلَا رَدْحُ فُوْلْأْمُهَوْمُورَايَد نَمِأُوْجَرَخَنِيْدَلَا لَىِإِرَتْمَلْأ
نُورُكُشَيَالَسْأَنَلْآرَثُكْأَنَكَلْوَسْأَنَلْآلَىِغَلْضَف وَدَلْهَلْآلْأْنِإْمُهَآيْخْأ

«... Аллоҳ одамларга фазлу марҳаматлидир. Лекин одамларнинг кўплари шукр қилмаслар» (Бақара сураси, 243-оят), деб марҳамат қилган.

Ҳаёт бериб, тирилтириш ҳам Аллоҳнинг бандаларига берган фазлидир. Жонни олиб, ўлдириш ҳам Аллоҳнинг фазлидир. Икковида ҳам одамларга фойда бор. Лекин кўп одам буни тушунмайди ва шукр қилмайди.

Бошқа бир оятда:

مُوْلَظَلَنَاسِنِإِلَآنِإِآهُوَصُحَّتَالْهَلْآلَاتَمْعَنِأُوْدُعَت نِإِوْهُوْمُتْلْأَسْأَمْلُك نَّمْ كُآتْآو
رَافَك

«Ва У сизга барча сўраган нарсаларингиздан берди. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангиз, саноғига ета олмасизлар. Албатта, инсон ўта золим ва ўта ношукрдир» (Иброҳим сураси, 34-оят).

Аллоҳ таоло бандаларига улар сўраган мол-дунё, фарзанд, сиҳат-саломатлик, роҳат-фароғат каби кўплаб неъматлардан беради.

Хулоса шуки, Аллоҳ таолонинг инсонларга ато этган неъматларини замон ҳам, макон ҳам, саноқ ҳам қамраб ола билмайди. Хўш, маълум замонда, маълум маконда яшайдиган, маълум илмга эга одамлар қандай қилиб

уларни санай олади? Шундай бўлгач, барча инсонлар бу беҳисоб неъматлар учун ҳар доим ҳисобсиз шукрлар айтишлари лозим.

Шунча ожиз жисмга мукамал аъзолар жойлаштириб қўйган Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин.

Фойдаланилган манбалар:

«Тафсири Ҳилол» китоби

«Неъмат эгасини унутма» китоби

Хуршид Маъруф тайёрлади